

Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 25 июнь Чоршанба. № 49 (14441)

Президентнинг янги асари ўрганилмоқда

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номи китобининг нашр этилиши жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Асарда мамлакатимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган бунёдкорлик йўли чуқур таҳлил этилиб, ҳуқуқий-демократик жамиятнинг мустаҳкам пойдевори қўйилгани, бозор муносабатлари шаклланиб, одамлар онги ва турмушида тўб ўзгаришлар содир бўлаётгани кўрсатиб берилди, янги аср бўсағасида халқимиз олдида турган вазифалар белгиланди.

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Йийкота қишлоғи маданият саройида юртбошимиз асарини ўрганишга бағишланган йиғилишда ана шу ҳақда гапирилди. Унда шаҳар ва туман ҳокимликлари, халқ таълими, маданият муассасалари ходимлари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Олий Мажлис матбуот ва ахборот қўмитаси раиси У.Ҳошимов, Республика Давлат матбуот қўмитаси раиси Р.Шогуломов, адиб Х.Султонов ва бошқалар

йиғилишда сўзга чиқиб, китобнинг тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги аҳамияти, ёрқин келажакка эришиш йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилиши хусусида гапирдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Э.Ҳусеинов сўзга чиқди.

Фаргона, Самарқанд, Жиззах вилоят ҳокимликларида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгесида ҳам ана шундай йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда Олий Мажлис халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов, Олий Мажлис матбуот ва ахборот қўмитаси раиси У.Ҳошимов, олим ва ёзувчилар Х.Бобоев, Э.Аъзамов, И.Фаруков, А.Суюн, А.Турсунов ва бошқалар мамлакатимиз раҳбарининг янги китобида Ватанимиз равнақи, миллатимиз келажиги билан боғлиқ масалалар чуқур ва терең таҳлил этилганлигини таъкидладди.

Йиғилишларда вилоят ҳокимлари Н.Мўминов, А.Мардиев, Ш.Мирзиёев, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси раиси У.Аширбеков сўзга чиқдилар.

ЎЗА/

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ - ДАВР ТАЛАБИ

Республика биржа марказида хусусийлаштириш инвестиция фондларини амалга ошириш бўйича 1997 йилнинг биринчи ярим йиллик натижаларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда ХИФлар дастурини амалга ошириш бўлими бошлиғи Михаил Хамидулин бугунги бозор иқтисодиёти шароитида хусусийлаштириш инвестиция фондларини ташкил этиш ва ривожлантириш, мазкур жараённинг замонавий ҳолати, оммавий хусусийлаштириш ҳамда унинг аҳамияти ҳақида батафсил сўзлаб берди.

--ХИФ дастурининг кенг қўлланилигидан шундай хулосага келиш мумкинки, у миллий аҳамият касб этмоқда, - деди у биз билан суҳбатда. Қимматбаҳо қоғозлар бозори фаолиятини назорат қилиш ва

мувофиқлаштириш Марказининг ХИФлар дастурини амалга ошириш бошқармаси ва дастур қатнашчилари --давлат ва бозор тизимларининг фаол ёрдами билан биргаликда қилинган ишлар натижаси бунинг яққол далилидир.

Қимматбаҳо қоғозлар билан операцияларни олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензия олган 56 ХИФ ва 65 Бошқарув компания Аудия вазирлигида рўйхатга олинди.

Маълум бўлишича, 10 аукцион натижасига кўра ХИФлар томонидан 93 хусусийлаштирилган корхоналарнинг умумий суммаси 550.033.137 сўмни ташкил этувчи 1.303.829 акция сотиб олинган. Улардан 91.766.276 сўм ХИФларнинг ўз маблағлари орқали тўланган, шунингдек 458.266.861 сўмлик давлат кредити жалб қилинди.

Назозат УСМОНОВА

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг тақдирини кўп жиҳатдан раҳбар кадрларнинг, жумладан, урта бўғин мутахассисларининг етуқлиги ва ташкилотчилик қобилиятига ҳам боғлиқ. Кадрлар тайёрлаш бўйича ишлаб чиқилаётган миллий дастурда бу масалага алоҳида эътибор берилмаётми.

Самарқандда «Ҳозирги замон урта бўғин мутахассисларини тайёрлашнинг долзарб муаммолари» мавзусида ўтказилган республика кенгаши-амалий конференциясида ана шу ҳақда гап борди. Унда Қорақалпоғистон ва барча вилоятлардан мазкур соҳа раҳбарлари ва мутахассислар қатнашди.

Анжуманда республика Олий ва урта махсус таълим вазирлиги О.Саппимов бу борада олий таълим ва фан ходимлари олдига турган вазифалар ҳақида гапирди. Конференция қатнашчилари кадрлар тайёрлашнинг турли жиҳатлари, ешларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий истиқлол ғояларини сингадириш борасида ўзгача муассасалари жамоалари олдига турган вазифалар хусусидаги маърузаларни тинглади.

Конференцияда вилоят ҳокими А.Мардиев қатнашди.

ЎЗА/



27 июнь - Оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни

Республика газеталари мамлакатимизнинг энг йирик - "Шарқ" нашриёт-матбаа концернида чоп этилади. Бу ерда босилаётган 63 та газетанинг ҳаммаси компьютерларда териблиб, саҳифаланган. Уларнинг анчагинаси кунига ёки кунора чиқадиган тезкор сиёсий

газеталардир. Ўз-ўзидан равшанки, бу ўз навбатида етарли техника қудратини талаб қилади. Хўш, концернининг бу борадаги техника даражаси қандай?

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни компьютерлаштириш учун сўнгги давр ичи-

да 1 миллиондан зиёд рақамли долларини сарфлади. Бугунги кунда концернида юқорида номи зикр этилган машҳур IBM фирмасининг 90 та яқин компьютерлари ишлаб турибди. Шунинг бевоисита 60 таси газета махмуслидадир. Уларнинг орасида энг замонавий "Pentium-166" машиналари ҳам бор. Ҳарф териш ҳамда саҳифалаш машиналаридан ташқари бу ерда 2 та лазур, 6 та матрич принтерлари, нуска оладиган 2 та "XEROX" ва 1 та "U-VIX-3142" машиналари, суратларни

жараёнини секинлаштиради. Нима қилиш керак? Компьютер бу масалани ҳам осонликча ечади. Узидаги махсус ARJ программалари орқали сақланиши керак бўлган материални энг кичик ҳажмга "зичлайди" ва "архив"га ташлаб қўяди. Керак бўлганда уни яна "ёйиб", яъни ўзининг олдинги ҳолатига қайтарди ва керакли газетани саҳифалайверади. Бу усул чоп этишга рухсат этилган газета саҳифаларини дискларга кўчириб ёзишда, ёки таҳририятнинг ўзида

плёнкаларини лазур нурлари ёрдамида чиқариш синаб кўрилди ва улар шу пайтгача фойдаланиб келинган, ёруғлики сезиш даражаси паст бўлган Россиянинг ФТ-4 плёнкасида эмас, балким Германиянинг янги типдаги АСФА ва PLF-4 плёнкаларида чиқарилди. Натижа қутилгандан ҳам зиёд бўлди. Плёнкалар тез ва сифатли чиқа бошлади. Уларни фотоматериалларда эшиш учун иккита Даниянинг "DANAGRAF" машиналари келтирилди. Компьютерларнинг

бу ишлар билан махсус шугулланган алоҳида "Қолиплар тайёрлаш цехи"ни ташкил этди. Узоқни ўйлаб қилинган бу иш ҳам яқин келажакда албатта ўз самарасини беража.

Хулоса қилиб айтганда "Шарқ" НМК янги технологияларга асосланиб иқтисодий ўнгиланиш йўлидан бормоқда. Бу ҳақда концерн Бош директори Ислам Шомуродович Шогуломов жамоага ишонч билдириб: "Га-

Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси Наманган вилоят бўлими фаоллари озуқа экинлари етиштиришни доимий талаб қилинган озуқа экинлари етиштиришда агротехника тадбирларига рўйа этилишини кўзатиб турилади.

Ёшлар ташаббуси билан вилоятда биринчи марта маккажўхори андижонликлар усули билан плёнка остига экилади. Ҳозир жамғарма вилоят бўлими олдига деҳқонларнинг пешона тери тўқиб қилган меҳнати билан етиштирилган галла ҳосили қисқа муддатда, ноҳад қилинмай йиғиштириб олинishi учун ўрмон-ийлим ишларига ёшларни мумкин қадар кўпроқ жалб этиш вазифаси турибди. «Камолот» жамғармаси фаоллари галла ва пичан ўрмонида деҳқонлар билан баравар иштирок этмоқда. Тез орада маккажўхори ўрими бошланади.

Норин туманидаги корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси туман бўлимининг ташаббусига жавобан, мактабларни битирган ёшларнинг бир қисмини иш билан таъминлаш мажбуриятини олади. Бўлим фаоллари тумандаги кўп тармоқли хусусий фирмалар, кичик корхоналар билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилишмоқда. Бу фирмалар ҳам ёшларни ишга жойлаштиришда баҳоли қудрат ёрдам бермоқда.

Ёшлар жамғармаси туман бўлими «Ўзбекистон Республикасида давлатнинг ёшларга доир сиёсати тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, «Камолот» дастурини ишлаб чиқар ва унга мазкур мажбуриятларни ҳам киритди. Дастурда ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, еш оилаларининг, камхараж ва буюқвасидан маҳрум бўлган оилалардаги болаларнинг илтимой муҳофазасини кўчайтириш масалаларига ҳам катта эътибор берилган.

ЎЗА



Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки 1997 йил 24 июндан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматини 62 сўм 20 тийин миқдорда белгиледи.



РОБОТЛАР ХИЗМАТДА

бевосита оригиналидан саҳифаларга кўчириб берилган "HEWLETT-PACKARD"нинг синовили "SCANJET-IP" сканерлари газеталарни техник жиҳатдан ҳам "қўқимшироқ" қилмоқда. Биз юқорида компьютер имкониятларининг чексизлиги ҳақида гап юритгандик. Уларнинг бу фаолиятлари газетачилик соҳасида ҳам жуда қўл келади. Дейлик, газетада чиқиб кетган бирор бир эълон ёки лотерея тиражи ми маълум бир вақтдан кейин шу ёхуд бошқа газетада такрорланиши керак. Буни олдиндан қилиб, компьютер хотирасига киритиб қўйс бўлади, лекин у ЭХМ "мия"си (процессор) дан анча жойини эгаллаб, уни ишдан "чалғитиши" яъни машинанинг ишлаш

саҳифаланган газеталарни босмаҳонага олиб келишда ҳам кенг қўлланилади. Албатта, бу ишларни янада соддалаштириш мақсадида яқин таҳририятлар билан босмаҳона ўртасида умумий боғловчи "сеть"лар ҳам ўрнатилган.

Бугунги кунда "Шарқ" НМКда Бош директор муровинлари техника фанлари номзоди Олдилон Раҳимов ҳамда Жўракул Азизов бошлиқ мутахассислар Украина, Россия, Германия ва жаҳоннинг бошқа давлатларидаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда янги технологияларнинг полиграфия соҳасида эришилаётган сўнгги ютуқларини жорий этиш борасида турли излашлар олиб боришмоқда. Яқинда чоп этишга рухсат этилган газеталарнинг

ўзидаёқ рангларга ажратиш, ретуш ва монтаж ишларини бажариш борасида ҳам концернда сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда ҳозир рангли махсулотлар чиқара оладиган "ХРОМОГРАФ DC-360" аппарати ишлаб турибди. У биратўла рангли сканер ҳамда лазур нури ёрдамида чиқарадиган ускуна билан жиҳозланганлиги боис бир неча рангдаги энг мураккаб махсулотларни ҳам юқори сифатда чиқара олишга қодир. Шунинг учун буюртмачилар ҳатто ўзларининг компьютерларида рангларга ажратиб келган махсулотларини концерндаги ана шу аппарат орқали чиқариб олиш имкониятларига эгадирлар. Яқинда концерн раҳбарияти журналларни газеталардан ажратиб,

зета мажмуи жамоасининг аксарияти ҳалол, софдил ва ўз ишининг моҳир усталаридир. Биз ана шу жамоа аҳли билан илк бор ўтган йилги иқтисодий кўрсаткичлар якунига кўра 1991 йил даражасига эришдик", - деб иқтисодий ўсишини назарда тутганлигини, Дарвоқе, бугунги кунда кўпчилик ишлаб чиқариш корхоналарининг бирдан-бир орзулари ҳам ана шулардан иборатдир.

Нарзулла ХАМРОЕВ, Суратда: "Шарқ" НМК цехидан лавҳа. Рашид Галиев олган сурат.

"ТУРКИСТОН" - SOS КАСБИЛИК "ДОҲИЙ"

Майманоқ Касби туманидаги аҳоли зич яшайдиган, гавжум қишлоқлардан. Унинг марказида каттагина хиёбон бўлиб, унинг бир томонида шифохона, бошқа тарафида тикувчилик цехи бор. Саранжом-сариштали гулзор ўртасида эса "барча миллат ва элатларнинг доҳийси" И.В. Сталиннинг бронза ҳайкали саратон қуёши остида чарақлаб, узоқдан ҳам кўзга ташланади. У ён-атрофидан турмуш ташвишидан елиб-югуриб ўтаётган одамларга гўё истеҳзоли назар ташлаб тургандек.

Ҳар йили ҳайкал бронза бўёқдан чиқарилиб, атрофи ободонлаштирилади.

Сайдо Насафий номидаги ширкат хўжалиги раҳбарлари нима сабабдан "доҳий" ҳайкалин бунчалар эъзозлашяпти? Улар қайси даврда, қайси юртда яшаётганликларини унутиб қўймаганмикан?



Т. МЕҲМОНОВ Сураткаш: А. ГЕРАСИМОВ

СОҲЛОМ АВЛОД ҲУҶА "ҚИЗИЛ ОЛМА" ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

"Қизил олма" дастури юртимизда 1995 йил сентябрь ойидаги Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлараро шартномасига асосан амалга оширилмоқда.

Дастурини амалга ошириш учун сарф-харажатлар АҚШ ХРА - Америка Қўшма Штатлари Халқаро ривожланиш агентлиги томонидан ажратилган, унинг бевосита ижрочиси "Фьючерз групп" фирмаси замонавий контрацепция усулларини ташвиқоти бўйича катта тарғибот ишларини олиб бормоқда. Дастурнинг амалий фаолиятида ҳамма дори-дармонларга эга "Жўрабек", "Асклепий", "Фармацевт" ва бошқа дорихоналар иштирок этмоқдалар.

Оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлашга қаратилган дастур бугунги кунга қадар Тошкент ва Самарқандда муваффақиятли ишлатилган эди. Энди июль ойидан унинг доираси янаям кенгайиб, Фарғона водийсида ҳам "Қизил олма" дастури асосида тадбирлар амалга оширила бошланади. Унда водийлик кўплаб шифокорлар қатнашиши кўзда тутилмоқда.

“Сирли олам” ойнамаси ва унинг иловаси “Қалб кўзи” ҳафтанома илмий-оммабоқ, техник, фантастик безакли нашрлар бўлиб, ниҳоятда ранг-баранг, қизиқarli асарларни чоп этади. Шулар тузumi даврида таъкиб-таъкиб қилинган ва маънавийими, маърифатимиз билан боғлиқ илми илоҳиқ, илми ғайб, илми нуҷум / астрология/, футурология /истиқболшунослик/, тасав-

мий-фалсафий асарларга кенг ўрин бермоқда. Бу асарларда жумҳуриятимиз ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва бошқа йўналишлари, моддий-маънавий дунёимизнинг зоҳирий ва ботиний жиҳатлари ҳақида соғлом ва ҳолис фикр юритиларкан, улар замонавий илму фан / мантиқ, риёзиёт, кибернетика каби/ ва бошқа қадимий ва навқирон билим-

“Кўёш соҳовати” деган мақоласи, Соҳиб Абдуллаевнинг “Компьютер арандиси” номли асари, Нигина Ниёзининг пахташунослик ва электроника фани ҳақидаги суҳбати ва ҳоҳазолар ана шулар жумласидандир. Шунингдек, ўтган йили ойнама саҳифаларида илми калом /теософия, ўта ҳиссий шуур /парасихология/, халқ табототи, номалум учар жисм /НУЖ/лар, тахай-

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ТИМСОЛИ

вуф, ислом фалсафаси ва маданияти каби кўна илм ва таълимотлар ҳақида ойнама саҳифаларида қизиқarli мақолалар, суҳбатлар ва бадиалар ёритилди. Узоқ давом этган турғунлик даврида ривожланмаётган бу муҳим соҳалар расмий фанлар қаторидан ўрин олаётган ва ўқув юртлири дастурига киритилётган бир пайтда “Сирли олам” ойнамаси ҳам бу муҳим ишга ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Эндиликда ҳақматқаш халқимиз жонбоз юртбошимиз ва ҳукуматимиз раҳнамолигида буюк аждоқларимиз яратган бебаҳо маданий-маънавий меросдан куч-қувват ва руҳий озуқа олиб, мустақиллик ва истиқлолимиз туғайли юзага келган мураккаб ва шарафли тарихий жараён — янги давлат барпо этиш йўлида ўз қалбини, онгу шуғри ва руҳий оламни бутун дунёга намойён этаётган бир аснода “Сирли олам” ойнамаси ўтган йили маънавийимиз ва маърифатимизни янада юксалтиришга хизмат қилувчи қизиқarli илмий-бадиий, ил-

лар негизига қурилган. Ойнаманинг таҳсинга дойиқ жиҳати яна шундаки, у ёшларимиз, усмирларимиз учун ҳозирги фан - техника ҳақида ҳам мароқли суҳбатлар ва ҳикоялар бериб боради. Хусусан, кибернетика, замонавий компьютерлар, физика, электроника, механика, фалақшунослик / астрология/ каби фан йўналишлари ҳақидаги, Тошкент Давлат техника дорилфундуни доценти Одил Ёқубовнинг “Кушандалар билан жанг”, “Компьютер душмани” номли мақолалари, Республика Фан ва техника Кумитаси раиси П. Ҳабибуллаевнинг “Ўзбекистон фани XXI асрда” номли суҳбати, Саида Жўраевнинг Галатикамининг пайдо бўлиши ҳақидаги “Олам меҳвари” номли, Рустам Обидиннинг “Кент механикаси ва афсун” асарлари, Бухоро Давлат дорилфундуни доценти Қодир Мўминовнинг телитехника фани истиқболи хусусидаги

юлот каби соҳаларда ҳам бир-биридан мароқли мақолалар, сўнгги йилларда кўп сонли ўқувчилар қалбини забт этаётган илмий-фантастик, мистик ва сарғуштаз қисса ва ҳикоялар ҳам чоп этилганки, улар муштарийларимизнинг дунё дунёқарашлари теран, билим доиралари кенг, маънавийи юксак, мустақил юртимизнинг уйғун жамол топган инсонлари сифатида тарбияланганига хизмат қилади.

Умумий оғанда, “Сирли олам” ойнамаси ва унинг иловаси “Қалб кўзи” ҳафталиги овоз демократик жамият қураётган мустақил давлатимизнинг ўз юзи, ўз сўзи ва ўз мавзуларига эга, дунё жамоатчилиги олдига бизда журналист эркинлиги, сўз эркинлиги ва кенг йўл очиб берилганининг ёрқин далили бўла оладиган, ниҳоятда қизиқarli нашрлардан бири деб баҳолайти шумунки.

Ҳожиакбар ШАЙХОВ,
“Сирли олам” журнали
Бош муҳаррири



ЗАМОНА ҚЎЗҒУСИ

Мен ҳамкасб дўстларимни, хусусан ёш муҳбирларимни байрамимиз билан табриклайман. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Буни эса қарийб ўттиз йиллик фаолиятимизда, яқинлашган шундай кунларда юракдан ҳис қилаем.

Бугунги ўзбек матбуоти назаримда нафақат ёшларни, бутун халқни, ҳатто эиелларни ҳам ўз домига туширган жамиятнинг ёрқин иллатларидан оидинлик сари тортиб олаётган куч дегим келади.

Бугунги журналистикага фақат яхши назар билан қараш керак. Яқин кунлардан бундан ойнаи жаҳон орқали берилаётган “Туртинчи ҳокимият” кўрсатуви журналистиканинг ривожига туртки бўладиган ижобий ишлардан бири бўлиди.

Журналистларни ахборот ошларини кафолатловчи, ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қарорларни қабул қилиниши ҳақида бўлган ишончини яна бир қарра ошириб, тўла маъсулият билан ишлашларига имкон яратяди.

Биз сўзимиз қадрини, ютугини кўтарган муаммоларимизнинг ечи-

мида кўраимиз. Бирининг оғирини енгиллатганда кўраимиз. Шу боис ҳақ сўзини айта олиш санъатимизни ўстирайлик. Бизнинг, матбуотнинг асосий вазифаси ёшларни ўзлаб эриктирмаслик, бездирмаслик. Журналистиканинг ютуғи ҳам шунда, бироқ бугуннинг журналистида, асосан ёшларда жасорат етишмаётгандай.

Улар муаммони кўндаланг қўёлмайди, ҳақиқатга тик қараб, керак бўлса ўз маъқиданда воз кечиб курашишга ўзларида қудрат топпайдилар.

Матбуотда бу сезиларли кўзга ташланади. Ёш муҳбирларни мушоҳада, мулоҳаза қилиб таҳлили мақолаларни кам ёзаётганлиги матбуотни эртанги кунни қандай бўлишини белгилайди.

Чет элда мактаб ўқувчиси фақат ўз меҳнати билан 15 кунда 500 та газета чиқараётганда, нега энди олий маълумотли муҳбирларимиз 2-3 вароқлик “зўр” мақолани ёзишга вақт, журят топа олмайдилар.

Муаммоларни истаганча рўқач қилиш мумкин. Лекин уни бартараф этиш учун фақат ўзимиз изла-нишимиз керак.

Матбуот давр ойнаси. Мени ёш муҳбирларга тилагим, унутманг сининг орқанига улкан ХАЛҚ бор. Сиз унинг ишончи, айтилажак эркин сўзисиз.

Умида АБДУАЗИМОВА,
“Тонг юлдузи” газетаси
Бош муҳаррири

ҲАМКОРЛИК ТАРАФДОРИМАН

Мени назаримда ҳеч қачон мамлакат раҳбарияти томонидан ёшларга бўтунгундай катта ишонч билдирилмаган. Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” “Умид” каби янги жағмарларининг ташкил этилиши, мустақиллигининг мизинг дастлабки йилларида-ноқ ёш ижодкорлари уй-жой билан таъминлаш каби кўпball хайрли ишлар шундай деишига изн беради.

Республика Президенти барча йилларда, халқро анжуманларда мамлакат ёшлари ҳақида қизғин фикрларни билдиридилар. Мамлакатда юз бераётган ижтимоий-сисий воқеаларда ёшларнинг ўз иштироки бор. Бу ўзгаришларни, ёшларнинг фаолиятлари, инти-лишлари, изланишларини кенг ёритишда, оммавий ахборот воситалари, радио, телевидениенинг ўрни қандай, деган савол туғилди. Абдулла Ориповнинг машҳур шеърдаги кўлмакни дунё деб тушушган тилла балиқча бутун улкан уммонга тушгандан қай томон сўзини билмай эсанклар тургандир. Аммо, кейинги пайтдаги матбуотни қўллаб-қувватлаш борасидаги хайрли ишлар журналистларга тегишли қонунларнинг қабул қилиниши, бу “тилла балиқча”нинг уммон бағрида дадил сузилишига йўл очиб берди. Бу қонунлар матбуот учун энг катта даялар.

Эркин рақобат барча соҳаларда бўлгани каби журналистика, адабиёт соҳасида ҳам қўллаб-қувватлаш юзга чиқармоқда. Бугун оммавий ахборот воситаларига раҳбарлик қилаётган ёш журналистларни кўриб, давлатимизнинг уларга бўлган ишончи нечоғли жаканини билиш мумкин. Лекин, шунга ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ҳали ҳам қўллаб-қувватлашда, эшиттириш ва кўрсатувлардаги таҳлилларни юзакилиги кўзга ташланмоқда. Демакки, соҳа мутахассислигига эҳтиб сазилмоқда. Агар ҳуқуқ ва қонун мавзусида ёзадиган журналист ҳуқуқий билимга эга бўлмаса, иқтисодий мавзуларда қалам тебратётган журналист бугунги бозор иқтисодиёти талаб ва қонунларини, иқтисодий тизимлар, муносабатлар ҳақида тасаввурга эга бўлмаса яхши натижа-ларга эришиши мумкин.

Мен тақдир қилардимки, агар Ўзбекистон телевидение-си “Ёшлик” Бош муҳарририяси, Ўзбекистон радиосининг “Ёшлик” таҳририяти, “Туркистон” газетаси, “Ёшлик” ва “Ёш куч” журналлари, “Камолот”, “Умид”, жағмараси, халқро алоқалар миллий ассоциациясининг “Ёшлик” секцияси аъзолари амалда доимий мустақам алоқаларни ўрнат-сак, ёш журналистларимиз ўртасида ижобий рақобатни кучайтирсак, таҳлили шарҳлар, мақолалар учун танловлар эълон қилсак яхши бир натижаларга эришишимиз мумкин бўларди.

Яна бир нарсани айтиб ўтиш лозимки, мавжуд камчи-ликлар ҳақида мақола ёзиш деганда айримларимиз фақат танқидни тушунамиз. Шу кунгача журналистлар орасида юзаки танқид қилиб, охирида “шу соҳа мутахассислардан жавоб кутиб қоламиз”, деган иборани ишлатиш расми бўлган. Мақсадимиз биргина жавоб хати билан қиновчилигимиз ва ёки уш ҳолис таҳлил ва ҳулоса, тақдир билан ўша объек-тта ёрдам беришимиз?

Биз ёшларни жаҳолдан асрашимиз лозим. Оммавий ахборот воситалари орқали уларда фикр тарозини шакллантирадиган, мулоҳазали мавзуларга кўпроқ ўрин беришимиз керак. Инсониятнинг энг катта ва ягона қудратини жаҳолат ва унинг ягона давосини илм дейишди. Жаҳолат татсири-да ақл ва туйғулар мажруҳлиги нималарга олиб келиши ҳаммамизга аён. Бу борда Республика Президентининг яқиндагина “Қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш” комиссияси йиғилишида айтган сўзларини эслаш кифой.

Биз айрим ҳолларда ёшларнинг ички дунёсидаги инти-лишлар, ғалаёнлар, мулоҳазалардан кўра йиғилишлар ва ҳисоботларнинг тафсилотларини аке эттиришга кўпроқ ўрин бериб юборардимиз. Матбуот, радио ва телевидение ёшлар қалбига юриш бошласин. У ёниб турган кўнгилларда нима бор?!

У олов, у нур мамлакатга нечоғли қароғонлик келти-ради.

Минҳожиддин МПЗО
Ўзбекистон телевидение-си
“Ёшлик” муҳарририяси Бош
муҳаррири



ЖАРАЁН ИШТИРОКЧИЛАРИМИЗ

Бугунги ўзбек матбуоти фикри оживимча, ҳам руҳан, ҳам жисман ёшариш жараёнини бошдан кечираётгандек. Зеро, қайси бир таҳририятга бўйламанг, аксар ҳолда ёш-ёш йигит-қизларнинг ишчан қиёфада ўз юмушига андармон эканлигини кўрасиз. Айниқса ёшлар нашрларининг қайси би-

рини варақламанг, саҳифаларда айнан ёшларга хос далиллик, муайян қоллиларга сиғмайдиган даражада эркин ва ҳаттоки ошқор ўжарлик ҳамда қатъият билан ёзилган мақолаларга дуч келсангиз...

Эҳтимол, бошқа бирон бир ривожланган ГАРб давлатларида олий ўқув юрти талабасининг каттакан газета ёхуд журналга Бош муҳаррир бўлиши “Гиннеслар рекорди” китобига ёзилган даражада воқеа ҳисобланар, бизда эса бу ҳол юқорида тилга олганимиз жараёнининг бир кўриниши, унсур сифатида бағоят хотиржамлик билан қилинади...

Албатта, ушбу жараённинг у ёки бу даражада иштирокчиси сифатида, имкон

қадар ўз фаолиятимизни таҳрир этишга уринарканми, андаккина қониқиб ҳосил қилиш асносида кўнгилда бир қатор саволлар ҳам пайдо бўлади. Дейлик, хусусан ёшлар нашрларида кўтарилаётган муаммолар пойтахтимиз теграсидан нарига ўтмаётгандек. Яъни, газета-журналларда қишлоқ ёшлари ҳаёти, уларнинг уй-ташвишлари етарли даражада акс этмагандек. Бу ҳол, ўз навбатида, ўша қишлоқ ёшлари газета-журнал ўқишяптими, мабодо ўқишяётган бўлса, вилоятларга нашрлар нега бу қадар кам миқдорда тарқатилади, деган қарши саволни ҳам келтириб чиқаради...

Демак, очик эътироф этиш керак, қишлоқ ёшлар

рида мутолаага ҳавас сувайган. Яқинда “Ёшлик” журналистик ҳақида “Журналист ҳақида журналист бўлмаганлар сўзи” мавзуда кичкинагина давра суҳбати ўтказилган. Ана ўшанда нашрларимизнинг жойларга етказилиб бериш муаммоси билан бир қаторда асосий талабни газета-журналлар сифатида, унинг ўқимишли бўлишига қўйилар. Дарҳақиқат, фалон пул тўлаб газета ёниқ журналимизни олган ўқувчи унинг мазмун-мундарижаси, босилиш сифати ҳақида ҳам талаблар қўйишга ҳақли. Бозор ўз номи билан бозорда. Ўқувчи энди истаган нашрни, ўзига мақбул бўлган газета-журнални танлаб олишга ҳақли. Шу

Уларнинг қабул қилинганга кўп бўлгани йўқ. Аммо асосий гап энди уларни амалиётда табиқ этишга қолган. Ахир, ушбу қонунлар белгилаб берган ваколатлар доирасида фаолият кўрсатмоқнинг ўзиёқ журналист учун қанчадан-қанча имкониятлар яратиб беради...

Ҳуллас, матбуотимизнинг бугундан ва айниқса эртасидан умидимиз бисёр. Ва умидворлик асносида кўнгилда яна бир ният уйғондики, ёшларимиз жамиятнинг ўқишса...

Абдуқаном ЙўЛДОШЕВ,
“Ёшлик” журналининг
Бош муҳаррир
ўринбосари

Уларнинг қабул қилинганга кўп бўлгани йўқ. Аммо асосий гап энди уларни амалиётда табиқ этишга қолган. Ахир, ушбу қонунлар белгилаб берган ваколатлар доирасида фаолият кўрсатмоқнинг ўзиёқ журналист учун қанчадан-қанча имкониятлар яратиб беради...

Ҳуллас, матбуотимизнинг бугундан ва айниқса эртасидан умидимиз бисёр. Ва умидворлик асносида кўнгилда яна бир ният уйғондики, ёшларимиз жамиятнинг ўқишса...

Абдуқаном ЙўЛДОШЕВ,
“Ёшлик” журналининг
Бош муҳаррир
ўринбосари

БАЙРАМИНГИЗ МУВОБАРАК БЎДСИНИ

Ўзбекистоннинг миллий матбуоти тарихида бу йил икки оламшумул аҳамиятга молик воқеа содир бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида” ҳамда “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунлар қабул қилди.

Мазкур ҳужжатларда ахборотни эркин ва

монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир Конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатлар тартибга солинган.

Журналистнинг журналистик фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини

белгилаш, унга ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар бериш, журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик қоралари аниқ-равшан белгиланган.

Эндиликда оммавий ахборот воситалари ходимлари жаҳон талаблари даражасида фаолият кўрсатишлари учун зарур ҳуқуқий замин, кафолатларга эга бўлишди. Эндиги вазифа - қонун билан жамоянган,

кафолатланган ҳолда, энгни шимариб ҳуқуқий, демократик жамият қуриш бўйича мустақил Ўзбекистонимизда бошланган жараёнларнинг олдинги сафида туриб Ватанга хизмат қилишдир.

Ушбу саҳифада сўз билган ва севиб ўқийдиган ёшлар нашрларининг раҳбарларига, дадил қалам тебратётган ёш умидли қаламкашларга сўз бердик.

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ

Бу йил журналистлар учун омадли келди. Уларнинг ҳуқуқларини, ахборот олишларини кафолатловчи қонунлар яратилди ва том маънодаги “тўртинчи ҳокимият” сифатида иш олиб борилмоқда.

Бугуннинг журналисти мамлакатимизда, дунёда содир бўлаётган воқеалардан тўла хабардор бўлиб, шу асосда эрта-индинни кўра билиши керак. Шунингдек, миллий қадриятларимизни, санъат, адабиёт ва миллий аънаваларимизни имкон қадар чуқурроқ билиши керак деб ҳисоблайман.

Матбуотда ёшларнинг ижодини кўздан кечирсангиз, уларда чуқур таҳлил ва изчиллик етишмаслигига амин бўласиз. Матбуотда, радио ва телевидениеда атрофлича ўрганилган, фикрга бой, таҳлилий материаллар бўлиши учун ҳар бир журналистнинг ўзи севиб ўрганадиган, “балад-пастини” жуда яхши биладиган соҳаси бўлиши керак. Токи, у ўша соҳанинг ўткир, етук, билимдон мутахассиси бўлсин. Шунда журналист кўтариб чиққан муаммосининг издан қолмайди. Тегишли идораларга мурожаат қилиб, масалани ечимига олиб келади. Ушанда ҳам “Энди бўлди, охирига етказдим”, демасдан, бот-бот хабар олиб туради. Бундан нафақат журналистнинг тажриба ва обрўси ортади, балки жамият ҳам манфаатдор бўлади.

Биргина мисол, бизнинг “Ёшлик” радиостанцияси кейинги 1,5 йил ичидда ёш, иқтидорли журналистлар ҳисобига янгиланди. Дастлаб бироз қийналдик. Бу эса эшиттиришлар сифатига таъсир қилмай қолмади. Бундан баъзи тингловчиларимиз ранжиди ҳам.

Бирок, бугунга келиб ҳар бир муҳаррирнинг ўзи ўрганаётган соҳаси, дилидагиларни айта оладиган муаллифлик эшиттиришлари пайдо бўлди. Асосийси муҳарририятимизда соф ижодий муҳит вужудга келди.

Шундан келиб чиқиб айтсам, ёшлар ўқишдан, билим олишдан сира қарчамаслиги керак.

Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторида давлат сиёсатини олиб боришда бугуннинг журналистлари ҳам асосий ўринда туради.

Султонпоша ЁҚУБОВА,
Ўзбекистон радиоси “Ёшлик” Бош
муҳарририятининг Бош муҳаррири



“Туркистон” келажак ёшлар қўлида
Сурат муаллифи А.ГЕРАСИМОВ

МЕХР РИШТАСИ

“Ёшлиқда ўрганган илм - тошга ўйилган нақш”, деган нақл бор. Илло тошга нақш солиш ҳам осон иш эмас. Шу жиҳатдан олиб қараганда мен ёшлар матбуоти мана шу оғир ишга ўз ҳиссасини қўлишини ҳоҳлар эдим. Зеро маърифат нуригина руҳ оламини қароғон, этади.

Узингиз айтинг, уриб-сўкиш билан кўнгилни тарбиялаб бўлмайди. Кўнгилни ҳикмат тарбия этади. Матбуот ҳам аввало қалб тарбияси билан шуғулланганда эди.

Газета ўқиганда газетхоннинг қалби ёришиб кетсинки, ўқиб билан ўтган вақтига ачинамасин. Ким учун газета ўқиб мумкин иш бўлса, кимдир дам олиш учун ўқийди. Ҳар иккиси ҳам излаганини топсин.

Мен Япониянинг бир журналини кўрганимда шундай сурат диққатимни тортиди. Бекатда автобус кутаётган одамларнинг 80 фоизини қўлида газета, журнал, Бизда ҳам худди шундай бўлишини хоҳлайман.

Матбуот ўзининг ўқимишлилиги, теозорлиги, долзарблиги билан ўқувчини ўзига торта олсин. Токи газета журналист билан газетхон орасини боғлаб турувчи меҳр ва ишонч риштасига айлансин.

Гулизои ИБРОҲИМОВА
Ўзбекистон радиоси “Ёшлик”
радиостанцияси “Хилол”
эшиттириши муҳаррири

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Бугунги кунда Ўзбек миллий матбуотининг шаклан, мазмунан янгиланиши, телевидение, радио ва матбуотнинг кундалик ҳаётимизга сингиб боришига имкон яратмоқда. Яъни, бу янгиланиш, миллий мафкура тариб қилишда журналистика зиммасига яна бир масъулият юклайди.

Халққа ҳолис хизмати билан тиниб тинимай, газета, журнал, телевидение ва радиода қалам тебратётган журналистларимизга қаддини тик тутиб, баралла овозда фаолият кўрсатадиган вақт келди.

Чунки у бугун чет эллардаги ҳаёт, иш фаолиятлари, сиёсий-ижтимоий вазиятлар билан ўз вақтида танишяпти. Халққа халқчил, янги ахборотларни етарли даражада етказаяпти.

Миллий истиқлол шарофати билан демократик тараққиёт асосларига таъинб, фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон журналистикаси халқ онига ўзинини, миллийлиги-ни қайтара оладиган бирдан бир залворли кучга айланмоқда. Унинг турлари ва тили ҳам ўзгача тус олмақда.

Демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этишда, истиқлол ва тараққиёт йўлидан дадил бораётган журналистлар қатори кенгаймоқда. Бугунги журналист фикрлашишдан, баъхаллашдан, изланишлардан тўхтамаслиги лозим. Чунки ҳамма соҳалардаги ўзгаришлар, ютуқлар, камчиликлар журналистнинг кўмағига муҳтож ва монедир.

Иқтисодий қийинчиликларга қарамадан ўткир кўз, ўткир эҳди билан янгиланиш жараёнига кириб келган матбуотимиз халқнинг бирдан бир маънавий таъинчи қўли бўлиб қолди, деган умидламан.

Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА,
ТошДУ журналистика
факультети IV босқич
талабаси

ҚОНЧИҚИШ ҲАССИ

Яқинда журналистик фаолият ҳақида қонунлар қабул қилинди. Биз сўз эркинлиги, демократия ҳақида истаганча талқинлар, фарзларни ўртага ташладик. Аммо ўша ўзимиз ёқлаётган ошқоралиқнинг масъулиятини ҳис қила олаямизмикин, унинг мажбуриятларини бажара олаямизмикин? Биз қачонгача ошқоралиқ деб фақат кимнингдир айбини очини тушунамиз? Ваҳоланки, оддий кичик бир докура бумиятнинг ётган муаммолари ирадан тун жамира муаммиз кўл, уларни ким кўтаради? Нега энди халоллик, тўғрилик ҳақида тўқинланиб ёзамиз, гапираверамизу аслида кўнглимизда юқоридагидек ноумид руҳдаги фикрлар бўлади ёки ўзимиз ҳам шундай адолатсизликларнинг табиий ҳолдек қабул қиламиз?

Матбуотдан, журналистнинг фаолиятиндан аслида ҳеч ким қониқмайди. Бу айниқса сиёсий соҳаларда кўп кузатилади, аммо бунга сабаб ҳам биз — журналистларнинг ўзимизда. Сиёсатга доир, ҳуқуққа доир билимларни яхши билишга уйланиб қоламиз. Биздан мустақил фикрлар асосида шарҳ кутаётган ўқувчи ёки тингловчига унинг талаблари доирасида жавоб айта олмаганимиздан, чет эл ахборот агентликлари ёки чет эл журналистларининг фикрларини шундай таржима қилиб берганимиздан, шунчалик матбуотга ишончи хали ҳам тиклаб ологанимиз йўқ. Бу кучли билимчи маҳаллий кадрларимиз ҳам бўлганимиздан менимча.

Мухаббат ШАРИПОВА,
“Ўзбекистон контакт” журнали
муҳбири

БҮР ХАЛЛАК

Бугунги матбуот ҳақидаги одамлар фикрини билиш ва шунга қараб унинг фаолиятига янги йўналишлар киритиш, ўзгартириш лозим. Бугун матбуот истиқлол шарофати билан яратиб берилаётган имкониятлардан етарли даражада фойдаланяптими?


Матбуот бир хилликдан қочиб кетмай, Чунки ҳозирги кунда “Миллий тикланиш”, “Хуррият” ва бошқа шунга ўхшаш газеталар бир хил мавзуга ёришиб бир-бирига ўхшаш материаллар берапти.

Телевидение ҳам одамларни зериктирмоқда, нима учун?

Чунки бир-бирига ўхшаш, шакли ҳар хил бўлса ҳам, мазмунини, моҳиятини кўра бир хилдаги кўрсатувлар қўлайиб кетяпти. Фақат истиқлол деб жар солиш билан иш битмайди. Истиқлолни одамлар онига сингдириш учун уларни фикрлашга ундайдиган материалларни ноп этиш зарур.

Арслон ЭШМУРОВОВ,
Ўзбекистон телевидение-си
“Хумо” кўрсатуви муҳбири

МУХБАРАТ



Одатда кундалик нашлаар шу кунинг хайтини ёритиш билан бир қаторда асосан гуманитарият фанлари оид мақолалар эълон қилади. Бу яхши, албатта. Лекин ҳали-ҳануз газеталаримиз саҳифаларида табиий фанларга оид мақолалар кам. Шу соҳага негизий матбуотчиларимиз етарли эътибор беришмаётгандек. Касбининг яхши ёмони бўлмайдми, дейдилар. Таълим - халқ минбари.

ТАХРИРИЯТ.

Чунки бевосита астрономик кузатувлар осмон жисмлари ҳаракатининг бурчак тезлиги ҳақида маълумотлар беради. Бир хил катталидаги бурчак тезлигида объект қанча узоқ бўлса чизиқий тезлик шунча катта бўлади. Агар кўз олдимизда дераза ойнасида ўрмалаб кетаётган пашшанинг энлама чизигига проекцияси туширилса, бизга пашша гўё реактив самолёт тезлигида кетаётгандек туюлади.

Шу ўринда савол туғилади: нурланиш манбаларини ёруғлик тезлигидан катта тезликларда ҳаракатланишидан далолат берувчи кузатиш натижалари ҳақиқатан ҳам нисбийликнинг махсус назариясига қарама қаршими? Бу ҳақда академик В.Л. Гинзбург куйидагиларни ёзган эди: "... қизиги шундаки, тезлиги С дан ортиқ тезликка эришиб бўлмайди, деган фикрнинг гипотез килувчи тасвир ҳамон ўз кучини сақлаб қолмоқда." Олим ёруғлик тезлигидан катта тезликларда бўладиган ҳаракат ҳолларини синчиклаб таҳлил қилиб чиқди. Демак, ёруғликдан тезроқ ҳаракатда бўлиши мумкинлиги ҳеч қандай ажабланарли эмас. Масалан, нурланиш манбаи тез айланган бўлса, ундан узоқда жойлашган экранга тушган доғ "шуъла"нинг ҳаракат тезлиги экрангача бўлган

сиз, охиригисини эса танишингизнинг етиб келиши олди билан олган бўласиз. Пассажир поезди гарчи йўлда бир ҳафта юрган бўлса ҳам сиз барча номаларни атиги икки кунда оласиз ва шунга асосланиб, сиз Владивостокдан Москвагача бўлган йўлга фақат икки кун кетади деб ҳисоблашингиз мумкин. Шундай қилиб, бу ҳолда откриткаларнинг келиб тушганига қараб топилган пассажир поездининг тезлиги унинг ҳақиқий тезлигидан уч ярим баробар кўп бўлиб чиқади.

Квазарлар учун ҳам худди шундай ҳодиса рўй беради, фақат бу ҳолда номаларни келтириб турадиган "почтачи" вазифасини ёруғлик тезлигига ҳаракатланаётган радиотўлқинлар бажаради. "пассажир поезди" вазифасини электр магнит тўлқин ҳаракатидаги бироз секинроқ тезликка кенгаётган квазар қобили бажаради. Шунинг учун ердаги кузатувчига квазарнинг қобили турли томонга нотекис, ҳар тезликда ва ҳаттоки баъзи бир йўналишларда ёруғлик тезлигининг каттароқ тезликка кенгаётган бўлиб кўринади.

Хўш, нима учун пассажир поездининг ҳаёлий тезлигини эмас, балки ҳақиқийси аниқланган? Ваҳоланки, барча инерциал системаларнинг тенг ҳуқуқлиги қондасига инерция бўйича ҳаракатланаётган система ичида амалга ошириладиган ҳар қандай тажри-

МАЪНАТ

Маънат — зўр назарда,
Нобилларда узи — болдоқ...
Қўн бағисини осмонда
Найирноқидир лорсиндоқ.

Найирноқидир, киройи...
Эҳҳу қорқур ширмоён,
Бир қорасам қўнқорқур,
Тўпа дўшар киройи.

Ҳи элайди гоҳ осмон,
Элар бундай қўнқорқур,
Эшлариди гоҳ лалмон,
Осмон уни сўнқорқур,
Чекимлайди шўр ётир,
Қўнқур — қўнқа неваро:
Нурқорқурдан ел "қўн-қўн"
Мунаббир қўнқорқур.

Қўнқа элар дастурқорқур
Хасак — Ҳусак қамалак.
Мун... Ҳондўлар Мақсимон,
Ой-бўр тилиш қандалак.

Монар навоба дўшар,
Ҳўрқур қорқур осмоннинг
Бундай — оловга дўшар
Қўнқур сўнқорқур қорқур.

Эриққорқур, бу ҳақиқат,
Ҳондўларнинг қўнқур —
Бундай қўнқур маънат —
Чўнқур осмон Дастурқорқур...

ЁЗ

Ёз қасрига йўқ асло қисс,
Қозарқалмақ ҳақиқатда қисс.


Барлараро нурлар Қўнқур,
Ишомларда қўнқур — қандис.
Ёз бағисини қўнқур қорқур,
Бирок назда тўнқайди шўрқур,
Мондўлар: Замиқ, Сўв, Қўнқур,
Қасри олий эшиқар бундўр,
Нақш олмадан қўнқурдан қисс —
Тўзғал асар-шўра нурқўнқур.

... Ва рақимлардан таралмақ Оҳанг —
Қалба қўнқурдан оҳанг,
Мундўр қандис Оқшом, Сўвқўнқур,
Ҳўрқурдан қўнқур қорқур Сақар,
Ҳўрқур, бағисини бундўр шўнқур,
Осмон Ҳўрқур қорқур нарқар,
Ҳўрқур бағисини бундўр нарқар,
Тўнқур — мақсалақ шўнқурдан барқўнқур,
Барқўнқурдан қўнқур қорқур қисс —
Мунқурдан бағисини қорқур,
Сўвқурдан бағисини қорқур,
Сел эшадди шўнқур оҳанг...

Ҳўрқур, бундўр бағисини қорқур
Эшмас оғз мунқур қорқурдан қисс,
Олам бори нурқўнқурдан бундўр,
Бундўрқорқур қисс, қорқурдан...

... Қорқурдан қисс эшадди қорқур
Осмон қорқур Қўнқурдан қисс.

Машраб Раҳмон Али
Шаҳрихон тумани, 15-мактаб
ўқитувчиси



НИСБИЙЛИК НАЗАРИЯСИ ЗАРҶРМИ?

Илмий-оммабоп адабиёт кўпчилиги қарамасдан ҳозирги пайтда ҳам махсус нисбийлик назариясининг асосий қондаларида талай тушуновчанлик мавжуд. Масалан, моддий нуқталар электр-магнит тўлқинларнинг вакуумдаги ҳаракатидан тезроқ ҳаракат қила олмаслигини тасаввур этиш жуда қийин. Бу ҳодисага фақат ишонишга мажбуримиз. Чунки у маълум барча тажрибавий далил мажмуи билан тасдиқланиб, равои физик манзарасини яраттиша имкон беради.

Едингида бўлса, 1970 йили турли шов-шувларга сабаб бўлган хабар тарқалди: кучли радионурланиш манбалари ҳисобланувчи квазар / юлдузсимон жисмлардан бирининг қисмлари ёруғлик тезлигидан қарийб 10 баробар кўп тезликда тарқалиб кетаётгани кузатилди. Ҳозирги пайтда шундай жисмлардан ўнга яқини маълум бўлиб, улар мавжудлигининг ўзбек нисбийлик назариясининг асосий қондаларидан бирига зид келмаётгандек туюлади. 60-йиллар аввалида танилган квазарларнинг спектр чизиқлари Допплер эффекти тўғрисида қизил чизиқ томон жуда катта силжиши квазарлар ёруғлик тезлигига яқин тезликда биздан узоқлашаётганидан далолат беради. Хаббл қонунига биноан улар Квинтнинг қўнқурдан қисми чегарасида жойлашган дейиш мумкин. Квазарларгача бўлган масофа ва квазарларнинг нурланишларини билган ҳолда уларнинг нурланиш қувватини баҳолаш имконияти ҳам бор. Бу қувват деярли бутун радиогалактикаларнинг қувватига тенглаша олади.

Квазарлар нихоятда катта энергияга эгалиги кишида таажуб уйғотди: яъни, бу галактика осмон жисмлари шунча энергия қувватини қасрдан олади? Ахир бундай энергияни ҳеч қандай ядровий жараён вужудга келтира олмайди. Квазарлар биздан узоқда жойлашган деб ўйлаш осон бўларди, албатта, ахир чўнқат фонларнинг ёруғлиги узоқдаги прожектор ёруғлигидан кучлироқ туюлади-ку! Лекин бу ҳол спектрнинг қизил силжишини фақат қонуннинг космологик кенгайтирилишига эмас, балки бошқа сабаблар ҳам вужудга келтиришини тан олишига лозим. Масалан, квантлар энергиясининг массалари Қўнқур массасидан юз миллионлар марта катта бўлган квазарларнинг гравитацион майдонида қамалиши сабаб бўлиши мумкин...

Квазарлар радиокомпонентларини ёруғлик тезлигидан катта тезликларда тарқалиб кетишини, олдинги, уларнинг Ерга яқинлашишидан далолат беради, деган фикрни олға суварди мутахассислар.

масофага пропорционал равишда кўпайиб боради ва унинг қиймати ёруғлик тезлигининг қандайдигидан қатъий назар исталган катталига эга бўлиши мумкин. Оддий ҳисоб-киتابларнинг курсатишича, масалан, қисқичбақасимон туманликда жойлашган пульсар Ерга10 С дан юқори тезликда ҳаракатланадиган "шуъла" ташлайди. Лекин бундан нисбийлик назариясига зарар етмайди: бундай ўта ёруғликдаги "шуъла" ёрдамида фазонинг бир нуқтасидан иккинчисига электромагнит тўлқинларнинг вакуумдаги тезлигидан катта тезликда бирор сигнални узатиш мумкин эмас. Ёруғлик тезлигидан катта тезликда ҳаракат қилувчи "шуъла"нинг пайдо бўлиш механизмининг шундай тушултириш мумкин. Айтайлик, яси экранга жуда узоқда жойлашган манбадан чиқаётган ёруғлик тўлқинининг кўлами экранга мутлақо параллел бўлсин. Табиийки, манба ёнида турган кузатувчи учун экраннинг ҳамма нуқталари бир вақтда ёри-тилгандек туюлади. Бошқача айтганда, экран сирти бўйича ёруғлик бир онда, чексиз катта тезликда тарқалади. Агар тўлқин кўлами ва экран оралиғидаги бурчак нолга тенг бўлмаса, ҳамда у жуда ҳам кичик бўлса, кузатувчи экраннинг ёри-тилган чегараси "шуъла" каби экран бўйича чек-ли, аммо исталган катта тезликда ҳаракат қилаётганини кўради. Тўлқин кўлами ва экран сирти худди қайчи тиглари каби қарама қарши ҳаракат қилади.

"Шуъла" реал моддий бўлмаган ўта ёруғлик нурланиш манбаи ҳисобланади / у массага эга эмас, энергияни кўчирмайди / ва уни мажбуллик релятивистик эффектига ҳам боғлиқ эмас. Квазарлар қисмларининг ёруғликдан тез тарқаб учиб кетиши нисбийлик назариясининг сигнални тарқатиш тезлигига таъсир қилувчи заминдор чек-ланиш туғдирган чалғитишга асослангандир.

Бу чалғитиш қандай пайдо бўлади? Айтайлик, сиз Москвада яшайсиз ва синизкига Владивостокдан танишингиз поезда келаётган бўлаётир. У бир-бирига жуда ўхшаш қўнқурдан ҳар бир станцияда сизнинг номингизга ёзилган мактубларни почта қутисига ташлайди, дейлик. Шунингдек, бу номаларни ўша заҳоти почта поездлари олади ва бу поездлар пассажир поездидан тезроқ юради, деб ҳисоблайлик. Табиийки, биринчи номани сиз биринчи етиб келган поезддан, яъни танишингиз ҳақиқатан жўнаб кетганидан беш кун кейин ола-

ба ёрдамида системани ҳаракатда ёки турғунлигини билиб бўлмайди. Шунга биноан йўл текширувчи ҳам пассажирга нисбатан ёруғлик тезлигига яқин тезликда ҳаракатланади ва шунинг учун у ҳам релятивистик эффектига кузатиши керак эди. Аммо, гап шундаки, пассажир поезд тезлигини турлича ўлчайган. Шунинг учун улар турлича натижа берган. Хусусан, агар ўзи фойдаланган узунлик ўлчовига нисбатан ҳаракатсиз бўлса, пассажир эса устунларга нисбатан ҳаракатда бўлиб ва илгари олдиндан ўлчанган масофалар ҳаракат пайтида нотўғри бўлиб чиқди. Шунинг учун ҳаракатланаётган устунлар орасидаги масофаларнинг қисқарганини ҳисобга олмайдиган пассажирларнинг кузатув натижаларини ҳаёлий деб ҳисоблаш керак.

Энди бизга маълум бўлган темир йўлда бир-бирига қарама-қарши йўналишда бир хил, ёруғлик тезлигига яқин тезликда икки поезд кетаётганини тасав-вур қилайлик. Улар ичида нисбийлик назарияси ҳақида ҳеч нима билмайдиган икки "А" ва "Б" пассажир кетаяпти. Ҳар иккиси ҳам бутунлай бир хил шарафидда бўлганликларини учун уларнинг кузатув натижалари ҳам бир хил бўлади. Вагон деразаларидан тез ўтиб бораётган устунларга қараб пассажирлар бир хил ҳаёлий эффектни кузатишлар, - уларга темир йўл саҳнига нисбатан гўё ёруғлик тезлигидан катта тезликда кетаётгандек туюлади. Ҳар бир километр устуни олдида бир-бирларига ёруғлик сигналлари юбориб, пассажирлар ёруғликдан тез бўлган ҳаракат чалғитишини бошларидан кечирадилар.

Савол туғилади: "А" ва "Б" пассажирлар ўзларининг ҳақиқий тезликларини ёруғлик тезлигидан катта эмаслигини қандай қилиб билишлари мумкин? Улар ҳаракат давомида поезддан тушиб йўл текширувчи вазиятини эгаллай олмадилар. Агар устунлар бўлмаса ва деразадан "А" ва "Б" пассажирлар бир-бирларига юборадиган ёруғлик сигналларидан бошқа ҳеч нима кўрмасалар нима бўлади? Улар қандай қилиб ўз тез-ликларини аниқлай оладилар?

Олдиндан фақат бир нарсани айтиш мумкин: кузатувчилар ёруғликдан тез ҳаракат қила олмаслигини аниқлашлари заҳоти барча оладатидек бўлган ҳо-лдаларга эга бўлган махсус нисбийлик назариясини ишлар чиқишга мажбур бўладилар.

Р. БЕКЖОНОВ,
Ўзбекистон ҳамда
Нью-Йорк Фанлар
Академияларининг академиги

26 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО ТИЕХВАНДИККА ҚАРШИ ҚУРАШНИ ҚУЧИ

"ОҚ ЎЛИМ"ГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Асримиз охирига келиб инсоният олдида спид, атом ва нейтрон бомбаси, ҳар хил кимёвий ва бошқа оммавий қирғиш қуролилари, уруш каби даҳшатга солувчи муаммолар кўндаланг турмоқда. Лекин одамзод учун шундай ман-фур унсур ҳамон душманлик қилмоқдаки, унинг натижа-сида халқлар орасида низо келиб чиқмоқда, ҳар хил юқумли касалликлар тар-қалмоқда, ёшлар орасида ҳаёт-га бефарқлик кайфияти пай-до бўлишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, унинг оқсидан ҳар йили минглаб жиноятлар содир этилмоқда, қўнқур одамларнинг ётиги қури-моқда. Бу тиехванд моддалар-ни истеъмол қилиш ва тарқатишдир.

Мазлумки, Марказий Осиёда ўзининг йирик ҳаво ва ер транспорт воситалари тизимига эга эканлиги тўғрисида Ўзбекистон фарб ва шарқ мамлакатларини боғловчи юртир. Аммо баъзи-зилар мамлакатимизни тиехванд моддаларни Европа давлатларига элтишни доволта йантиришга уринмоқдалар. Утган йили Сурхондарё ви-лояти божхона хизмати хо-димлари томонидан фоз-дланганлигига эътибор берил-ди. Қўнқур бензобакниг и-чида юборилган оғирлиги 4 тоннаю 764 кг (!) тиехванд моддалар билан тўндирилган контейнер ушлангани фикри-мининг далилидир. Қуйида-ги рақамларга эътибор бер-сангиз бунга яна бир бор амин бўласиз. 1994 йилда тиехванд моддаларни юр-ти-

РГД-5 жанговор гранатаси то-пилди. 30 март куни 22-сонли Чакар божхона маскани хо-димлари Узун тумани ички ишлар бўлими хизматчилари билан биргаликда шу туман ҳудуди-даги айланма йўлдан келаётган "Мерседес-Бенс" русумли ав-томашинани тўхташиб, қўнқурдан ўтказишни. Уни Тожики-стондан Т. исмли юртимиз фу-қароси бошқариб келаётган экан. Машина синчиклаб тек-ширилганда унинг чап ва ўнг қанотлари остиди махсус ясал-ган жойдан 6 кг 120 гр опи-ум, 8 кг 235 гр наша, 552 гр героин - умумий оғирлиги 14 кг 907 гр бўлган турли қўнқурданга ўта кучли тиехванд моддалар топили-ди. Машина ҳайдовчисининг ҳа-ти-ҳаракати шубҳали туюлган учун у ҳам синчиклаб текши-риб қўрилганда, чап оёқ пайпоғининг ичидан газетига ўралган ўткир қилди 1 гр 05 мгр. марихуна тиехванд мо-ддаси топилиди.

Тошкентта 1 кунда халқаро рейсларда 2000 та одам одам келса, тахминан шунча одам хорижга йўл олади, - дейди Тошкент, аэромажмуаи божхона хизмати бошлиғи ўринбосари Олимжон Ёқубов. - Лекин ҳануз йўловчилар ҳам юртимизга яхши ният билан келмаётганларидир. Аэромажмуа божхоначи-лари зиммаларига юклатилган вазифани виждонан бажариш-га ҳаракат қилмоқдалар. Бу ердаги 5 та постдан 4 таси йўловчилар учун, биттаси юк ташув бўлими бўлиб, уларда 140 нафар малакали ишчи ва

кўнқурдан божхоначи-лари ҳориж-га учиб кетаётган Г. исмли поятакчилар ўқ аёлини ша-ҳсий тинтувдан ўтказганлари-да унинг ички қиймидан 372 гр. героин моддаси то-пилди. Энди ёш аёл ҳаёти-нинг энг тотли ва ҳаяжонли дамларини қамқода ўтказди. Агар у ҳалол меҳнат билан пул топишни ўйлаганда ўзини бунчалар қор қилмас-ди. Махсус текширув ва тажрибалар шуни қўнқур-таптики, бугунги жиноят-чилар нихоятда уюшган ва замонавий техника қўнқурла-ридан фойдаланишга чапласт. Республика божхона хо-дим-лари ҳам бундай жиноий шакллар билан тенг қурашиш учун билим ва маҳорат бо-ришига ҳаракат қилмоқдалар. Шу ўтган 5 йил ичида

Кейинги йилларда юр-тимиз божхоначилари фаолияти-га Умулжаҳон божхона таши-қоти ҳам бефарқ қарамаётир. Яқинда бу ташиқот бош қо-тиби Жеймс Шавернинг Ўз-бекистонга ташиқоти ҳам фикри-миз далилидир. Ж.Шавер юр-тимизга божхона хизматини замон талаби даражасида қай-та тиклаш ва замонавийлаштириш дастури билан келди. Бу дасту-рнинг нихоятда долзарблиги тўғрисида поятакчимизга барча Марказий Осиё давлатлари бо-жхона хизмати бошлиқлари ва мутахассислари йиғилдилар. Юртимиз божхоначилари Буюк Британия, Гонконг, Бель-гия, Хитой, Индонезия ва бошқа мамлакатлар божхона-чиларининг тажрибалари билан танишилди, Евробожхона ёр-дами билан АҚШ, Франция, Англия, Германия, Дания каби мамлакатларнинг тажрибали мутахассислари семинар-мағмулотлар ўтказилди. Хуку-матимизнинг алоҳида эътибори тўғрисида божхона хизмати ренгтен нури билан ишлайдиги янги жиҳозлар, рация, турли қўнқур-асликлар ва бошқа замо-навий техника қўнқурлари бил-лан таъминланмоқдалар.

Суннат АЗЛАРОВ,
"Туркистон" мухбири

БЎЛАЖАК ПОСБОНЛАР УЧУН БАЙРАМ

Ёшларни Ватанга муҳаббат ру-ҳида тарбиялаш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир. Бу борада жойларда кўпгина хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда Собир Раҳимов туман ҳо-кимияти «Камолот» жамғармаси билан уюштирган кечага туманда ис-тиқомат қилувчи фахрийлар, уруш қатнашчилари, армияга қақирлув-

чи ёшлар ҳамда уларнинг ота-она-лари таклиф этилди. Эл ардоғида бўлган кексалар, фахрийлар ёшларни Ватанни ҳи-мога қилиш ёшига етганлиги билан қўнқурлади, уларни Ватанга содиқ ҳи-могачи бўлишдек шарафли ишлари-да муваффақиятлар тилади. Ўз бо-сиб ўтган йўллари, қалб кечинма-лари билан йўроқлашди.

А. ОРТИҚОВА

ДИДАКТИКА ТАЛАМЛАР

- ♦ Бақтни гойибона қутқиш лаззатли туюлиши мумкин, аммо унга мушарраф бўлгач, дилингиз хира торса бошингизни қаерга урасиз?
- ♦ Хар гал бахтлиман дейдиганлар ўзларини алдаётганлигини сезишмайди.
- ♦ Чирой юз ва кўзда бўлишига асло ишонманг, чунки унинг ўрни қалбда.
- ♦ Жоизбали кўринган гўзалликнинг пинҳона ноҳисликларини англаб етиш ҳамма-га ҳам насиб этавермайди.
- ♦ Мақтовни хуш кўрадиганлар пуфак устида ўтиришганини сезишармикан?
- ♦ Қовоқ солиб мактанмагандек, илжайиб таңқид қилинмайди.
- ♦ Ўз кирдиқорларини яширувчилар умрининг елга совурилгани билан иши бўлмайди.
- ♦ Билимсиз одамнинг ўзидан ақлгига ҳасад қилиши шахсий ноқорлигини тан олишидир.
- ♦ Узгаларга баҳо беришдан олдин ўзингни бот-бот ёмонлаб турганинг маъқул.
- ♦ Бошлиқ сосида юрадиганлар ўзини чўғ устида турганигини наҳотки билишма-са?
- ♦ Иккиюзламачи шахснинг ҳақиқий башарасини кўзгуда қўриш амри маҳол.
- ♦ Эзуликка интилиш машаққат бўлгани билан ёвузликка етишга унча кўп вақт кетмайди.
- ♦ Ҳақиқатга тан бермасанг, бир умр игвонинг ногорасига ўйнайсан.
- ♦ Чин сўзинг аччиғи, бўхтонга ишониб, доғда қолгандагина лаззатли туюлади.
- ♦ Қимнингдир насибасига кўз олайтирсанг, албатта оғзинг қуяди.
- ♦ Одатда ибратли фазилатларнинг юқиши, ярамас иллатлардан қутулиш жараёни оғир кўчиди.
- ♦ Тақдир қаршиндаги эшикни ёпиб қўйгани билан албатта бошқасига йўл бош-лайди.
- ♦ Ҳаётга қай ҳолда қадам ранжида қилиш маълум бўлгани билан ундан оёқ узини ҳамма учун жумбоқ.
- ♦ Икки гапнинг бирида "зўр", "гўзал", "ажойиб" жумлаларини эҳзор қилувчи-ларнинг тили билан дили бир бўлмайди.

Ислом УСМОНОВ

Муассисе:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОЛ» ЖАМҒАРМАСИ**
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЎСМАК» АСОСЛАШТИРИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир: Назоқат УСМОНОВА

ТАХРИРИЯТ:
Қўнқурдан — 36-56-58, 33-95-07;
Қўнқурдан бўлими — 36-54-64;
Тижорат бўлими — 33-79-69; ижтимоий ёшлар бўлими — 36-54-64; спорт бўлими — 36-54-64; ватанпарварлик бўлими — 36-68-93; қўнқурдан — 36-58-48.

МУАЛЛИФЛАР ФИКРИ
ТАХРИРИЯТ НУҚТАСИ
НАЗАРИДАН ФАРҚЛАНИШИ
МУМКИН.
Дизайн устаси: **С.ФАЙЗУЛЛАЕВ**